



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 188 (11.499)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хоржий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китобига халқаро жамоатчиликнинг муносабати масаласида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Кеча мамлакатимизда аънаваный «InfoCom — 2009» — Аxbорот коммуникация технологиялари ҳафталиги бошланди. Ҳафталик дастуридан мазкур соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар ўрин олган. Мутахассислар ва кўп сонли замонавий аxbорот ресурсларидан фойдаланувчилар ушбу форумда ўзлари учун қизиқарли ва фойдали янгиликлар билан танишишлари мумкин.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил қилинган илмий-амалий семинар кўкрак сутининг ижтимоий муҳофазасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг такомиллаштиришга бағишланди.

● «Қамолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Марказий кенгашида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТ ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий салоҳиятини ривожлантириш лойиҳаси» доирасида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Тошкент шаҳар Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмита раислари кенгашининг раёбат йиғилиши бўлиб ўтди.

● Наманган муҳандислик-педагогика институтининг «Олтин давр» мажмуасида Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жағфармаси ҳамда «Қамолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Келажак овози» — 2009» республика танловининг вилоят босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

● Американинг Dell компанияси Ирландиянинг Лимерике шаҳридаги заводини ёпди. Бунинг натижасида 2400 нафар ходим ишсиз қолди.

● Испаниянинг шимоли-шарқда жойлашган Сарагоса шаҳрида бир неча минг киши норозилик намойиши ўтказишди. «Рейтерс» хабарига кўра, улар Opel корпорациясининг кўҳна қитъадаги корхоналари ёпилишига қарши норозилик билдиришмоқда.

● Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида собиқ бетон заводининг беш қаватли биноси кулаб тушди. Хабарларга кўра, бир киши вайроналар остида қолган. Ҳозирда ҳалокат жойида қутқарув ва қидирув ишлари олиб борилмоқда.

● Калифорния штатининг Лос-Анжелес округи ҳуқуқ-тарғибот органлари 13 ёшли болага нисбатан жиноий иш очишди. Эл-Монте шаҳрида яшовчи бу болакай кўриқхонага ўт қўйишда айбланмоқда. 25 август кунини кўриқхонада бошланган ёнғин оқибатида 7,7 квадрат километр майдондаги дархатлар ва ҳайвонот олами нобуд бўлган.

● Франция Президенти Никола Саркози жорий йилнинг 24-25 сентябрь кунлари АКШнинг Питтсбург шаҳрида ташкил этиладиган «Катта йиғирматалик» (G20) етакчилари саммитида қатнашишдан бош тортишини маълум қилди. Хабарларда айтилишича, агар G20 га аъзо мамлакатлар етакчилари банк раҳбарларига тўланадиган бонуслар микдорининг чекланиши хусусида аниқ қарор қилмасалар, Никола Саркози саммитда иштирок этмайди.

● НАТОнинг янги бош қотиби Андерс Фог Расмуссен альянсини тезкор, мосланувчан, жипслашган ва замонавий қаҳирларга жавоб берувчи тузилмага айлантиришни хоҳляпти. Унинг таъкидлашича, Афғонистон — НАТО ўзини бербурд қилишга йўл қўйиши мумкин бўлмаган синовдир, шунинг учун европаликлар мазкур миссияда фаол қатнашишлари шарт.

● Буёк Британиянинг нефть трейдери «Trafigura» 2006 йилда Кот-д'Ивуар пойтахти Абиджон шаҳри яқинида «қора олтин» саноати чиқиндиларини жойлаштириш асносида мамлакат аҳолисига етказилган зарар микдорини яширишга уринган. Расмий манбаларда таъкидланишича, «Trafigura» компаниясининг нефть чиқиндиларидан ажралувчи водород сульфид бугидан захарланиш оқибатида 15 киши ҳаётдан кўз юмган, 69 нафар фуқаро шифохоналарга ётқизилган.

## ПОЙТАХТНИНГ

2200  
2009  
ТОШКЕНТ

## БИР КУНИ



### Иқтисодиёт

## САМАРАДОРЛИК ОРТМОҚДА

Ички ва ташқи бозорни чуқур ўрганиш асосида тадбиркорларимиз томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар бугунги кунда сифати ҳамда рақобатбардошлиги билан харидорларни жалб этмоқда.

Бу, албатта, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароитлар самарасидир. Ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланаётган «MET FUR SERVIS» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, маҳсулот турларини кўпайтиришга муваффақ бўлишяпти.

— Фаолият бошлаганимизда кичик цехда 14 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, бугунга келиб уларнинг сафи 90 нафардан ортиқни ташкил этмоқда, — дейди корхона раҳбари, «Ташаббус—2009» кўрик-танловининг пойтахт босқичи голиби Шавкат Халилов. — Хориждан янги технологик линиялар олиб келиб цехларимизни кенгайтирдик. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида, албатта илғор технологиялардан, замонавий технологик дастгоҳ ва уску-

налардан фойдаланмай, талаблар даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш, бозорда ўрин эгаллаш, буюртмачилар сафини ошириш жуда мушкул. Бугунги кунда ҳам маҳсулотларимиз турини кўпайтиришга мақсадида Жанубий Корея ва Хитойдан юксак унумли технологик линиялар келтиришга ҳаракат қилаялмиш. Асосий мақсадимиз маҳсулотларимизнинг сифат менежмент тизимини ISO 9001-2000 халқаро стандарт талабларига жавоб беришга эришидир.

Тадбиркорлар тайёрлаётган маҳсулот турлари ҳозирда 250 хилдан ортиб кетди. Ишлаб чиқарилаётган фурнитура ашёлари ва автомобиллар учун бутловчи қисмлар сифатига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис ҳам буюртмалар кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Ўтган йилда 1 миллиард 384 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда ушбу рақамни салкам 2 ба-

раварга ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, халқаро андозаларга мос товарларни Россия, Руминия, Хиндистон сингари давлатларга экспорт қилиш режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлашда мазкур жамоа аҳли мамлакатимизда етакчилардан саналиб, маҳаллийлаштириш дастури асосида ана шундай маҳсулотлар турларини кўпайтиришмоқда. Бу эса маҳаллий автомобилсозларимизга қўл келмоқда. Мухими эса четдан келтирилмайдиган ана шундай бутловчи қисмлар билан бемалол рақобатлаша оладиган корхона маҳсулотлари ҳам сифати, ҳам бир мунча арзонлиги билан ажралиб туради.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
**СУРАТДА: янги технологик линиялар тадбиркорларга сифатли маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда.**  
**Ҳакимжон Солиҳов**  
**олган сурат**

## ЎЗБЕКИСТОН «ТОЛЕРАНЦ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИДА

Германиянинг Бонн шаҳрида ҳар йили аънаваный тарзда ўтказиб келинадиган «Толеранц» дунё халқлари маданияти халқаро фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваль шартларига кўра, унинг ташкилотчилари томонидан ҳар бир иштирокчи давлат вакилларига ўз мамлакатлари маданияти, санъати ва сайёҳлик имкониятларини намойиш этишлари учун павильонлар ташкил этилди.

Шаҳарнинг энг катта маданият ва дам олиш боғларидан бири — «Рейна» (Rheinau)да бўлиб ўтган фестивалда Германия Федератив Республикасида аккредитациядан ўтган 70 дан ортиқ мамлакатнинг дипломатик ваколатхоналари, турли халқаро ва ижтимоий-гуманитар ташкилотлар қатнашдилар.

Мамлакатимизнинг Франкфурт-на-Майнедаги Бош консуллиги ва «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти томонидан ташкил этилган Ўзбекистон павильони кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортиди. Ута моҳирона безатилган павильонда Ўзбекистон халқ амалий санъати буюмлари, қўллаб қулоллик, тикувчилик, зардўзлик маҳсулотлари ва турли нақш-уймакорлик ҳунармандчилиги билан таърифланган усталарнинг асарларидан намуналар намойиш этилди.

Мустақилликнинг 18 йили давомида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, илмий ва маданий-гуманитар соҳалардаги тараққиётига бағишланган аxbоротларни ўзида муҳасам этган стенд ҳамда яқинда 2200 йиллиги кенг нишонланган Тошкент шаҳрининг бугунги ва тарихи ҳақидаги ранг-баранг суратлар билан безатилган китоблар, рисола ва буклетлар фестивал меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Фестивалда Ўзбекистон павиль-

онига мингдан ортиқ одам таширф буюриб, улар Ўзбекистон, унинг маданияти ва тарихи билан танишиш асносида, турли ўзбек миллий таомларидан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлишди.

— Ўзбекистонлик шерикларимизнинг ушбу ҳар йили ўтказиладиган фестивалда фаол қатнашиши аънамага айланган бораётганини айтиш бизга мамнуният бағишлайди, — дейди «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти ижрочи директори Дагмар Херманн. Унинг фикрига кўра, ушбу фестивал Германиянинг кенг жамоатчилигини хоржий мамлакатлар, хусусан, ўзининг қадимий тарихи ва ноёб маданияти билан дунёга машҳур бўлган Ўзбекистон билан яқиндан таништиришда жуда муҳим аҳамият касб этади.

— Бугун мен ушбу ажойиб фестивал туғайли ўзининг қадимий шаҳарлари билан дунёга донги кетган, Буёк Ипак йўлида жойлашган, бой маданият ва тарихий меъморий ёдгорликларга эга мамлакатимиз ҳақида маълумот олиш имкониятига мушарраф бўлдим, — дейди Ўзбекистон павильонининг кўп сонли меҳмонларидан бири, Германия — Болгария форуми директори А.Боммерсхайм.

У Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ўзбек халқининг фахри бўлган миллий қадриятлари, тарихий ва маънавий меросини тиклаш ҳамда уни авайлаб асраш борасида олиб борилаётган сай-ҳаракатларини юқори баҳолади.

**Шухрат УМИРОВ,**  
**«Жаҳон» АА,**  
**Берлин**

## «Tashkent open — 2009» МАМЛАКАТИМИЗДА ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ ЁҒДУСИ



Қутлуғ келган шу ҳафта  
пойтахтликлар учун, қолаверса  
бутун мамлакатимиз спорт  
ихлосмандлари ортиқиб кутган  
«Tashkent open» турнири билан  
бошланди.

Аёллар ўртасида аънаваный ўтказиб келинадиган ушбу очик чемпионат бу йили ўн тўртинчи марта ташкил этилмоқда. Голиблик учун унда Россия, Франция, Португалия, Австралия, Германия, Хитой, Туркия, Беларуссия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон — 20 га яқин мамлакатнинг кучли теннисчилари куч синишишди.

Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси мақоми остидаги «Tashkent open» турнирига ҳар сафаргидек, Ўзбекистон теннис захиралари спорт мактаби меҳмонлик қилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Тошкентда аънаваный тарзда ўтказиб келинаётган аёллар ўртасидаги мазкур турнирга асос 1996 йилда солинган бўлиб, дастлаб уч йил мобайнида ITF — Халқаро теннис федерацияси таркибидаги «челленжер» мусобақалари сифатида ташкил этилган. 1999 йилдан бошлаб эса WTA жадвалига «Tashkent open» номи билан киритилиб, саккиз йил давомида жаҳон мусобақаси сифатида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шу вақт ичида бу турнир иштирокчилар таркиби жиҳатидан ҳам ўз нуфузини ошириб бораётди. Деярли ҳар йили мусобақаларда дунёда биринчи йиғирмалик ва элликликдаги кучли теннисчилар қатнашаётганини фикримиз далилидир. Шу билан бирга «Tashkent open» қўллаб истеъдодли ўсмир ёшлар профессионал жиҳатдан юқори поғоналарга кўтарилишида ҳам трамплин вазифасини ўтамоқда десак, мулолага бўлмайди. Зеро, мамлакатимизда илк бора эришган муваффақиятлари туғайлигина уларнинг акарияти бугунги кунда жаҳон кучли теннисчилари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга мушарраф бўлаётди.

(Давоми 4-бетда).

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** молия институтининг 1-талабалар турар жойида «Ёшлар ўртасида гивандлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар, ички ишлар хизмати ходимлари иштирок этишди.

✓ **ТОШКЕНТ** Тиббиёт академиясида талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида уюштирилган давра суҳбати ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланди.

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ёшларнинг жамият тараққиётида тугган ўрни масаласига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги кўзи ожизлар мактаб-интернатиде тарбиячилар, тарбияланувчилар иштирокида ўтказилган хайрият тадбири «Меҳр-муруватли бўлайлик» деб номланди.

«Жэньминь Жибао» газетасида «Ўзбекистоннинг «Навой» аэропорти даромади 10 баробарга ошди» сарлавхали мақола чоп этилди. Унда «Навой» аэропорти маъмуриятининг маълумотларига кўра, сўнгги йилларда, 2008 йилга нисбатан, ушбу аэропортда парвозларнинг сони 133 дан 433 га, аэропортнинг юк терминали орқали ўтадиган юкларнинг ҳажми 15 тоннадан 3337 тоннага ошди. Унинг даромади 10 баробарга кўпайди ва 5 миллион 810 минг АҚШ долларини ташкил этди», дея хабар берилди.

## ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

Мақолада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси матбуот хизматининг маълумотларига таянган ҳолда келтирилади. Навоий халқаро аэропорти ходимлари бир ҳафтада 30 та рейсга хизмат кўрсатмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳамда «Korean Air Lines Co., Ltd.» ўртасида иккита А300-600 русумли самолёт лизинги тўғрисида битим имзоланди. Шунингдек, уларни эксплуатация қилиш тўғрисидаги битим ҳам мавжуд. Самолётлар Навоийдан Бангкок, Деҳли, Мумбаига юк рейсларини амалга оширмоқда. Аэропорт раҳбарияти келгусида юк рейсларини сони кўпайтириш ва янги йўналишларни очишни режалаштирмоқда. Хозирги кунда халқаро аэропортни модернизациялаш лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилаётган.

«Техникавий инфратузилмаларни модернизациялаш билан бир вақтда хизмат кўрсатиш ходимларининг билим даражаси ҳам оширилмоқда. Бугунги кунда юкларни қайта ишлаш жараёни оптимал ҳолатга келтирилмоқда ҳамда унинг янада тез ва фаол ишлаши учун замонавий ахборот технологияларини жорий этиш режалаштирилмоқда. Барча ушбу тадбирлар амалга оширилганидан сўнг халқаро аэропортнинг логистика маркази жаҳон андозаларига мос келади», дейилади. Хитойнинг «LOOKWE» журналида.

Рўзномада чоп этилган «Ўзбекистон экологик ҳаракати етакчиси Нурек ва Тўхтагул гидроэлектр иншоотларида текширув ўтказиш тақлифи билан чиқди» сарлавхали мақолада Ўзбекистон Экологик ҳаракати ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонунинг фикрлари берилган. Унинг таъкидлашича, Саяно-Шушен ГЭСидаги фалокат Марказий Осиё-

да кўп йиллар илгари барҳамида этилган йирик электростанциялар фаолиятининг хавфсизлиги бўйича ташвишлишига олиб келди. «Биз ушбу фожиа воқеаларини кучли ҳаяжон ва аччиқ афсуслар билан қаршиладик. Ушбу фалокатнинг бизни Ўзбекистонда туриб ташвишлишига солишининг сабаби, биринчи навбатда худудимиз ана шундай ҳалокат хавфи юқори бўлган Тожикистон ва Қирғизистондаги Нурек ва Тўхтагул иншоотлари билан бирга жойлашганлигидандир», дея таъкидлади Б.Алихон.

Хитой журнали Б.Алихонунинг муносабатларига алоҳида эътибор қаратиб, унда «Саяно-Шушен ГЭСида содир бўлган фалокат энг аввало трансчегаравий дарёларда жойлашган гидроэлектростанциялар фаолиятида содир этилиши мумкин бўлган ҳалокатнинг одамлар ва атропофунга таъдиди бўйича ўнлаб саволларни келтириб чиқарган ташвишли күнгирокқа сабаб бўлди. Марказий Осиёнинг йирик дарёлари юқори қисмида жойлашган Тожикистон ва Қирғизистон собиқ иттифокдан мерос бўлиб қолган гидроэлектростанциялардан бир томонлама тартибда фойдаланмоқда. Ўз вақтида оқим пастигида жойлашган давлатларга биринчи галда қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун сув ҳовузлари сифатида хизмат қилиб келган Нурек ва Тўхтагул ГЭС сув омборларидан хозирда ушбу давлатлар ўз энергетик муаммоларини ҳал қилиш йўлида фойдаланишмоқда. Мавжуд таҳдидлар жавоб чораларини кўришни тақозо этади» дейилади. Шу ўринда у Марказий Осиёда барча йирик сув омборларида фаолият юритаётган ГЭСларда комплекс тарзда тафтиш ўтказиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

«Жаҳон» АА, Пекин

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири ва салбий оқибатларини юмшатиш, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излаётган, оммавий ишсизликнинг олдини олиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш чораларини кўраётган бир пайтда Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан узоқни кўзлаб аввалдан белгиланган вазифалар изчил татбиқ этиб келинаётгани боис иқтисодийнинг барча соҳа ва тармоқларида деярли ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Бу борада, хусусан, банк тизимида барқарорлик баробарида ижобий натижаларга ҳам эришилаётгани қувонarliдир. Зеро, очигини айтиш лозим, кўплаб савий-харакатларимиз молия институтларимиз имкониятларига боғлиқдир. Умуман олганда, мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек иқтисодийнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустақам захиралар мавжуддир. Ўзбекис-

## Аслида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўп омилар хизмат қилади. Аммо айни пайтда гап банк сармоялари ҳақидадир.

содиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги Фармонлари сармоявий фаолиятни кенгайтириш учун яхши омил бўлди. Мазкур ҳужжатлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, мавжуд қувватларни реструктуризациялаш, чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан сармоявий салоҳиятни қучураштириш ва кенгайтиришга йўналтирилган иккита шўба ташкилот — «NBU Invest Group» ва «NBU Investment» инвестиция компаниялари таъ-

(2008 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 533,3 миллиард сўмни ташкил этган бўлиб, жорий йилда ўсиш суръати 151 фоизга тенг келди). Кредитларнинг 401,8 миллиард сўми миллий валютада, 270,1 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг қисми хорижий валютада берилди. Ажратилган маблағларнинг 465,5 миллиард сўми инвестиция кредитларига йўналтирилди.

Кичик бизнес субъектларига барча маблағлар ҳисобидан 185,3 миллиард сўм, жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан миллий валютада 162,6 миллиард сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун ажратилган хорижий кредит йўналиши бўйича 15,2 миллион АҚШ долларига тенг кредит берилди. Бунинг натижасида шу йилнинг ўтган дав-

рида 5,2 мингтадан кўп янги иш ўринлари яратилди.

Банк — бу гоёт серқирра фаолият соҳаси. Унинг йўналишларини бирин-кетин ўрганиш, бунинг учун малакали мутахассисларнинг тахрибасидан фойдаланибгина, сўнг вақт ўтиши билан чинакам профессионал банкчи бўлиш, ниҳоят, тўпланган тажрибага таянган ҳолда, банк тизими олдида турган мурракб вазифаларни ҳал этишга қодир раҳбар даражасига кўтарилиш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, демоқчиманки, Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан турли соҳалар қаторида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ислохотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган молия тузилмалари, жумладан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий Миллий банки фаолияти ҳам юксак баҳога сазовор бўлди. Шу қаторда «Шухрат» медали билан тақдирланганимиз бундан буён ҳам илҳос қўйган ишимга сидқидилдан хизмат қилиш деб биламан. Шу билан бирга босиб ўтган йўлга ҳам назорат ташлар эканман, дадиллик билан айтишнинг мумкинки, банк ишига бағишланган кўп йиллик умримга асло ачинмайман ва агар ҳаётимни янгитдан бошлашга тўғри келса, шак-шубҳасиз, яна шу касбни танлайман.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА ёзиб олди.

## Долзарб мавзуда

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РАФАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ

тон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг бу борадаги имкониятлари қандай? Мазкур банк бошқарма бошлиғи Файрат МАҲКАМОВ билан суҳбатимиз шу хусусда кечди:

— Авваламбор шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, жаҳон молиявий инқирози шароитида банк-молия тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, тижорат банклар фаолияти сифатини янада ошириш алоҳида аҳамият касб этади. — дейди Файрат Маҳкамов. — Вақтида жорий этилган бир қатор чора-тадбирлар натижасида банкларнинг капиталлашуви даражаси ошмоқда, низоми сармояларининг ҳажми белгиланган параметрлар даражасига етказилаётган. Банк тизимига қўйилаётган жамғармалар оқими ҳам ошиб бормоқда. Фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк шўбасига жалб этишининг таъсирчан ҳамда узоқ муддатли рағбатлантирувчи омиллари яратилиб, иқтисодийнинг реал шўбасини кредитлаш кенгайиб бораётган. Сармоявий фаолият ҳам жадаллашмоқда.

Айниқса, енгил саноат, озик-овқат, қурилиш соҳаларида корхоналар фаол ташкил этиляпти. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларга ташқи бозорда ҳам талаб ортиб, экспорт салоҳиятимиз ошишига салмоқли ҳисса бўлаётган.

Дарҳақиқат, бу борада мамлакатимиз Президентининг «Иқти-

сис этилди. Мазкур корхоналарнинг низоми жамғармаларида Миллий банк иштироки 100 фоизи ташкил этади. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, инвестиция фондларини ташкил этиш, консалтинг, андеррайтинг, депозитар ҳамда активларни бошқариш хизматлари ушбу компанияларнинг асосий вазифаларига кирди.

Миллий банк томонидан иқтисодий нозорат корхоналар негизини ташкил этилган янги корхоналар номи юқорида зикр этилган иккита инвестиция компанияси тасарруфига киритилди. Ўз вақтида келиб тушган инвестициялар юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналарга жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган ва истеъмолчилар орасида гоёт харидорлиги бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга қўйлаштириш, шунингдек иш жойларини сақлаб қолиш имконини берди. Ўтган давр мобайнида бу корхоналар 14,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга улгурди. Шу билан бирга 8,1 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди, бундан ташқари, қарийб 3000 та иш жойи тикланди. Бу дегани — банк ички инвестициялари Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи асосий омиллардан бирига айланмоқда.

2009 йил етти ойи мобайнида Ўзбекистон Миллий банки томонидан 804,1 миллиард сўм миқдоридан кредитлар ажратилди

## Иқтисодиёт

### ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Ишбилармонларимизнинг хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолияти яхши самара бераётгани ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларда ўз аксини топмоқда.

«TOSHAFUS» қўшма корхонаси ҳам ана шундай жамоалар сирасидан саналиб, қисқа даврлик фаолияти давомида ўз харидорларига эга бўлдики, бу албатта жамоа тадбиркорларининг бозорни ўрганиш асосида изланаётганидан далолатдир. Корхонанинг янги технологик ускуналари билан жиҳозланган цехларида республикамизда тайёрланаётган «MATIZ» ва «NEXIA» енгил автомашиналари учун эҳтиёт қисмлар, яъни иссиқлик насослари тайёрлаш йўлга қўйилган. Ушбу сифатли ва зарур эҳтиёт қисм хозирда мамлакатимизга Жанубий Кореядан келтирилаётган худди шундай маҳсулот ўрнини босиб, автомобилсозликда қўл келмоқда. Шунингдек, у четдан келтирилаётган худди шундай товардан бир мунча арзонлиги билан ҳам ажралиб туради. Сифати билан эса жаҳон андозалари даражасига тўла жавоб беради.

Тадбиркор жамоа ахли хозирда янги маҳсулот турларини автомобилсозларга етказиб бериш йўлида изланишмоқда. Бунинг учун замонавий жиҳозланган янги цех ишга туширилиб, унда малакали ишчи-мутахассислар маҳорат билан йилига 240 мингта насос тайёрлаш имконияти мавжуд бўлади. Шунингдек, хориждан яна кераклик технологик жиҳозланган қурилмиб, уларни ишга туширган ҳолда автомобилларнинг яна бир нечта эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Лойиҳа қувватининг ортиши, янги цехларнинг ишга туширилиши, албатта қўшимча ишчи ўринлари яратилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шарофат БАХРОМОВА

## ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

Давлатимиз раҳбари томонидан банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самарасини бермоқда. Тижорат банкларининг капиталлашуви даражаси ортмоқда, уларнинг тармоқларини модернизациялаш ва техник янгилашдаги ҳиссаси кенгаймоқда, инвестицион салоҳияти юксалмоқда. Сармоядорлар, кредиторлар ва омонатчиларнинг банк секторига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида чора-тадбирларга катта аҳамият берилмоқда.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши молиявий институтларнинг сифати халқаро андозаларга мос бўлган кенг турдаги хизматларни тақдим эта олиш имконияти билан чамбарчас боғлиқ.

TUV Германия сертификатлаштириш органи томонидан Сифат менежменти тизимининг халқаро ISO 9001:2008 стандарти талабларига мослиги бўйича ўтказилган навбатдаги назорат аудити Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси учун муваффақиятли яқунланди. 2005 йилда олинган молиявий хизматлар қўлини соҳасида халқаро сифат сертификати тасдиқлангани Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг пойтахтдаги бошқармасида бошқарув ечимлари самарали эканини кўрсатди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармасида мижозлар билан самарали ишлашга сифат стратегиясининг асосий мезони сифатида қаралади. Банк фаолияти аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнининг барча босқичларида доимий кузатув ва назорат олиб боришни ўз ичига олади. Ички назорат хизмати зиммасига амалга оширилаётган операциялар устидан назорат ва фуқаролар муносабатларига доир тезкор суриштирув ўтказиш вазифаси юклатилган.

Банк мижозлари билан алоқа мониторингига алоҳида эътибор қаратилаётган. Бунинг учун ишонч телефонлари ҳамда ҳар йили ўтказилаётган сўров анкеталари орқали кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳақида маълумот олишнинг самарали усулларидан фойдаланилмоқда. Жумладан, мижозларга тушлик танлашлари хизмат кўрсатиш тартибининг жорий этилгани ижобий ўзгаришлардан бири бўлди. Банкнинг ташқи ва ички инфратузилмаси тўқдан ўзгаришлар — ҳодимлар ва мижозлар учун энг қулай шартлар яратиб берилди. Бу халқаро ISO 9001:2008 стандартидаги хизматлар сифатига қўйилган қатъий талабдир.

В.РУДАКОВА, ЎЗА мухбири

## Таълим муассасаларида

### БЕҒУБОР ҚАЛБЛАРГА ЗИЁ УЛАШИБ

Хукуматимиз гамхўрлигида таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёни самарасида педагоглар ёш авлодга пухта билим беришининг замонавий усулларида фойдаланиб, ўғил-қизларни юксак маънавиятли, теран тафаккурли шахслар этиб тарбиялаш, онгу шуурига эзгулик, ҳалоллик, фидойилик каби фазилатларни чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Шаҳримиздаги 174-умумтаълим мактаб жамоаси ҳам ёш авлоднинг таълим-тарбия олиш жараёнида мунтазам равишда ноанъанавий усуллар, интерфаол машғуллар, илгор педагогик технологияларни қўллаб келмоқда. Болаларга билимини тез ва осон тушунарли тарзда ўзлаштириши, ўз кучи, иқтидори ҳамда қобили-

ятини намоён қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда ушбу ўқув масканида 64 нафар малакали ўқитувчилар рус ва ўзбек гуруҳларидан 1412 нафар ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқдалар. Мактабда шахмат-шашка, таэквандо, рақс, моҳир кўллар, спорт ва математика тўғрисидаги фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Александр Архипова ҳамда Муҳаддас Носирова, Альфия Тенишева, Холида Исанбаева, Гўзал Азимова каби ўқитувчиларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ ҳар йили шаҳар миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида математика фани бўйича мактаб ўқувчилари биринчи ўринни эгаллаб қолиши диққатга сазовордир.

— Давлатимиз томонидан ёш авлоднинг камолоти, билим олиши, ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўлиб етишиши жараёнида ўқитувчи касби ардокланаётгани, меҳнатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизга катта масъулият юклайди, — дейди мактаб директори Муборак Мираҳмедова. — Буларнинг барчаси биз педагогларни янада фаолроқ бўлишга, изланишга, ватанимиз келажаги бўлиши ёшлар тарбияси йўлида яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга ундайди. Ёшларга таълим бериш, билимини бойитиш ва мустаҳкамлашда дарс билан чекланиб қолмай, турли интеллектуал беллашувлар, мусобақалар, кўрик-танловлар, фан олимпиадаларини мунтазам равишда ўтказиб келмоқдамиз.

Шунингдек, қўтулғ саналар, улғу алломаларимизнинг юбилейлари, атоқли шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти



ва ижодига бағишланган маърифий дастурлар, турли тадбирларнинг ўтказилиб борилиши ўқувчиларнинг ўз устида изланишларига ва билим доирасини янада кенгайтириб боришга ундайди.

Дарҳақиқат, мактаб нури остана. Унинг даргоҳида таълим-тарбия олаётган ёшлар келажаги йўлида қилинаётган ҳар қандай ишда устоз ўқитувчиларнинг меҳнатлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Шаҳримиздаги 174-мактаб ҳаётдан лавҳалари.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири





«Tashkent open — 2009»

МАМЛАКАТИМИЗДА ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ ЁҒДУСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**  
Тошкентда ўтказиб келинаётган очик чемпионатнинг яна бир муҳим жиҳатини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. 2000 йил турнирида голиблик шохуспасига кўтарилган Ирода Тулганова нафақат Марказий Осиё, балки Осиё қитъасида шундай даражага эришган теннисчилардан бири эди (айни пайтда қитъа бўйича иккита, 2006 йилги «Tashkent open»да хитойлик спортчи голибликни қўлга киритган). Шу билан бирга айнан Тошкент очик чемпионати ҳамюртларимиз орасидан яна бир жаҳон юлдузи — Оқғул Омонмуродовани ҳам кашф этди. Бу теннисчи қизимиз учун, айниқса кейинги йиллар омадди кечмоқда. Қолаверса, Оқғул Осиё чемпиони ҳамда 2005 йилда «Tashkent

ореп» мусобақасининг финалчиси сифатида профессионал имкониятларини анча яхшилаб олишга эришди. Дунё таснифида бугунги кунда 113-ўринни эгаллаган Омонмуродова миллий терма жамоага етакчилик қилмоқда.  
Бирок Ирода учун айнан кейинги йиллар анча мураккаб кечаётди. У оғир жароҳати туфайли бир неча мавсум мусобақалардан ўзини чеклашга мажбур бўлди. Бу эса кийинчилик билан эришган жокер рейтинг кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Эслатиб ўтиш керакки, 2001-2002 йилларда Ирода Тулганова дунёда биринчи йиримликда бўлиб, 16-ўринни эгаллаган, Осиё чемпиони ҳамиди... Аввалги жамғиримиз ва техник тайёргарлик ҳолатига қайтиш мақ-

садида ҳамюртимиз астойдил ҳаракат қилмоқда. Самарқандда ўз теннис мактабини очди. Айни пайтда эса «Tashkent open — 2009» турнирининг жуфтлик мусобақаларида ўз қучини синаб кўрмоқда.  
Албатта, бундан ташқари ўзбекистонлик спортчиларнинг бугунги кунда эгаллаб турган поғоналари жаҳон турнирлари, шу жумладан «Tashkent open»да тўғридан-тўғри қатнашиш учун етарли эмас. Бирок халқаро теннис кийинчилиги билан эришган жокер рейтинг кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Эслатиб ўтиш керакки, 2001-2002 йилларда Ирода Тулганова дунёда биринчи йиримликда бўлиб, 16-ўринни эгаллаган, Осиё чемпиони ҳамиди... Аввалги жамғиримиз ва техник тайёргарлик ҳолатига қайтиш мақ-

восита wild card бўйича Нигина Абдураимова, Александра Колесниченко ва Сабина Шарипова қатнашди. Яқинда кўни ўтказилган қўра натижалари бўйича эса Оқғул Омонмуродова асосий жадвалга саралашни енгиб ўтиб, йўлланма олган спортчи билан беллашади.  
WTA қоидаларига кўра, рейтинг даражаларига асосланган ҳолда қўра билан саккиз нафар сараланган ўйинчининг номи ҳам аниқланди. «Tashkent open—2009» турнирида Ярослава Шведова ва Галина Воскобоева (Қозоғистон), Шахар Пеер (Исроил), Иоанна-Ралука Олару ва Моника Никулеску (Руминия), Ольга Говорцова (Белоруссия), Стефания Фогель (Швейцария) ва Патрисиция Майер (Австрия) сараланган қаторидан жой эгаллашди. Бу йилги мусобақага қучли ракеткалардан Германиялик Юлия Гёргеснинг келиши кутилган. Қўра ташлаш маросими кўни маълум қилингандек, яқинда Канадада ўтказилган мусобақада жароҳат олгани боис Тошкентга келолмайдди.  
— Албатта, жокер рейтингга эга спортчилар қатнашиши ташкилот-

чи давлат учун катта аҳамиятга эгадир, — деди турнир директори Шурингам Утрапати. — Лекин шунга алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, бу йилги мусобақалар иштирокчилари таркиби анча қучли. Биргина Россиядан 16 спортчи қатнашди... Дарвоқе, турнир бошланishi олдидан яқинда кўни бўлиб ўтган матбуот анжуманида турнир директори яна бир хушxabарга алоҳида тўхталиб ўтди. «Tashkent open — 2009» мусобақаси қучли спортчилар эътиборини беҳиз тортмаётди. Турнирнинг мукофот жамғармаси ҳажми 145 миң доллардан 220 миң долларга кўтарилди, шунингдек WTAдаги тоифаси ҳам ошди.  
Бевосята беллашувлар жараёнига қайтадиган бўлса, шунга асос билан айтиш мумкинки, уч нафар умидли теннисчиларимиздан биронтаси асосий жадвалга йўлланма қўлга кирита олмади. Бугун мусобақанинг учинчи кунда ўрта ўйин бўлиб ўтди, шу жумладан ҳамюртларимиз ҳам ўз рақиблари билан қорғаш тушди. Уларга омад тилаб қоламиз.  
**Ильмира ЗАЙНУДИНОВА**



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Уй сотиб олишдан олдин кўни-кўшнини суриштир.

\*\*\*

Тирикликнинг осойишталиги муроса қилмоқликда.

\*\*\*

Кўнгил гофиллигида қулоқнинг эшитиши бефойдадир.

\*\*\*

Сиринг сенинг асирингдир, агар фош қилсанг, сен унинг асирингга айланасан.

\*\*\*

Ёмон хулқилик тириклик қаттиқлиги ва жон азобига сабаб бўлади.

\*\*\*

Узрни қабул қилмайдиган ва адашишлардан қайтмайдиган киши одамларнинг баттаридир.

\*\*\*

Одамларнинг энг яхшисиман, деб ўйлагувчи одам уларнинг энг баттаридир.

\*\*\*

Кўлдан кетмагунга қадар қадрсиз икки хил неъмат бор: ёшлик ва тансиқатлик.

\*\*\*

Амалнинг хайрлиги ниятнинг хайрлигига боғлиқ.

\*\*\*

Инсоннинг омонлиги тили тийишда ва очикқўлликдадир.

\*\*\*

Сени саломат сақлагувчи сукут маломат келтирувчи сўздан афзалдир.

\*\*\*

Донишманднинг кўкси сирлар надиғидир.

\*\*\*

Амалсиз баланд мақом ва юксак даражани исташ жоҳиллик.

\*\*\*

Яхшиликка ёмонлик билан жавоб бермоқ тубанларнинг одатидир.

\*\*\*

Амалсиз илм бесамар дарахтга ўхшаيدди.

\*\*\*

Ошиқнинг кўзлари маъшуқ айбларини кўрмоқдан кўр ва унинг гуноҳларини эшитмоқдан қардир.

\*\*\*

Дунёнинг ўзгаришларида ибрат сабоқлари бор.

\*\*\*

Кўнгиллар насихат билан жило топади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ДАРАХТЛАР — СОФ ҲАВО МАНБАИ

Ёзнинг саратон чилласи авжга чиққан кезлар қаерга қараманг, кўёшнинг оташ тигидан химоя излаган одамлар ўзини дарахтлар соясига урган ҳолатга дуч келасиз. Демак, вақтинчалик бўлса-да бир парча соя ҳам муҳофаза — химоя вазифасини ўтар экан. Айниқса, бундай ҳолат гажум бекатларда транспорт кутиб турган аҳоли томонидан кўпроқ кузатилади. Шунда мўъжаз бир ҳақиқат англашладикки, Оллоҳ яратган оддий мўъжизалардан бири бўлган дарахтларнинг инсонларга тегаётган нафи беҳисоб экан.



Болаликнинг беғубор палласи.

ЭКОСАЙТ ВА ЭКОФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИ

Шаҳримиздаги «Shodlik Palace» меҳмонхонасида «Интернетда экологик маълумот» мавзусида экологик кинозал бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир «Экосан» халқаро жамоат жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ахборот маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда экологлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.  
Маълумки, Интернет — билимларнинг муҳим манбаи бўлиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Айтиш жоизки, республикамиз атроф-муҳитининг ҳолати тўғрисидаги сайтлари оз бўлиб, улардаги маълумотлар ҳам етарли эмас эди. Эндиликда эса экологик бўлимлари бўлган ва мунтазам маълумотлар янгиланиб, тўлдириб борилаётган сайтлар вакиллари ва идоралар, корхоналар, экологик дастур ва лойиҳалар ҳатто журналистлар томонидан ташкил этилмоқда.  
— Экологик кинозалларни ўтказишдан асосий мақсад, экологик билимларни тарғиб этишга қаратилган, — дейди «Экосан» халқаро жамоат жамғармаси бўлим бошлиғи Хония Асилбекова. — Экологлар, журналистлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирокида ўтаётган кинозаллар нафақат мавзуга оид маълумотларни олиш, балки ўз саволларига жавоб топиш ҳамда экологик мавзулардаги ҳужжатли фильмларни экранда кўриш имкониятини ҳам беради. Бундай кинозаллар

атроф-муҳит мавзусида қалам тебратётган журналистлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши, шубҳасиз.  
Ушбу ўтказилган экокинозалда ўн бештадан зиёд сайтлар, жумладан, ташкилотчиларнинг ecosan.uz, uznature.uz сайтлари, шунингдек «Су» мавзусига оид портал Cawater — Info веб портали ҳамда Spp.uz, eco-uz, meteo.uz, armon. Freenet.uz, forestry.uz, ecorport.uz каби сайтлари тақдим этилди. Тақдимотда сайтдан сайтга ўтиш, турли экологик категориялар, мавзулар, фотосуратлар, видеосюжетлар билан танишиш жараёнларининг барчасини калейдоскоп билан солиштириш имконияти яратилди. Экологлар ўз сайтларини тақдим этар эканлар, нафақат мазкур веб-ресурсларига киришни, унда қандай тўғри йўналиш кераклиги билан чегараланиб қолмасдан, балки амалдаги лойиҳаларни, уларнинг натижалари, экологик муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида батафсил маълумотлар беришди. Ҳўжжатли фильмлар эса Интернет саҳифаларига қўлинганди «сайр»га қўшимча бўлди. Бундан ташқари Оролбўйи, Орол денгизининг қуриган тубидан кадрлар, қўроқчилик ва саҳролашишга қарши амалдаги ҳаракатларни ўзида мужжасам этган ҳўжжатли фильмлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.  
**Дилорам ИКРОМОВА**

Спорт янгилликлари

«БУНЁДКОР»НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги 21-тур беллашувлари амалдаги чемпион «Бунёдкор» жамоасига муҳим уч очкони тақдим этди.

Тошкентда «Анджон» жамоасини қабул қилган иктидорли бош мураббий Сколари шогирдлари комбинацион тезкор ўйин намойиш этишди. Меҳмонлар дарвозаси томон кетма-кет уюштирилган хавфли ҳужумлар самара бериб, Ҳасанов, Қаримов, Вильянуэвалар томонидан киритилган учта гол майдон эгаларига 3:0

ҳисобидаги ғалабани тақдим этди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Олмалик» — «Локомотив» — 4:0, «Машъал» — «Бухоро» — 2:0, «Қизилқум» — «Насаф» — 2:3, «Сўғдиёна» — «Металлург» — 3:2.

ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

Миср Араб Республикасида футбол бўйича ёшлар ўртасида уюштирилладиган жаҳон чемпионатида Испанияда жиддий ҳозирлик кўраётган Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўқув машғулоти

доирасида Гондурас ёшлар терма жамоаси билан назорат ўртоқлик учрашувида куч синашди.

Айтиш жоизки, ҳар икки терма жамоа ҳам учрашувни шиддатли ҳужумлар билан бошлади. Чунки гондураслик ёшлар ҳам жаҳон чемпионатида иштирок этишди. Қувонарлиси, рақибларига кўра мазмунлироқ ўйин намойиш эта олган ҳамюртларимиз рақиблар дарвозаси олдида кўп марта хавфли вазиятларни содир этишга муваффақ бўлишди ва химояда ишончли ҳаракат қилишди. Учрашув якунланишига олти дақиқа қолганда ҳамюртларимиз Иван Нагаев ва Сардор Мирзаев томонидан уюштирилган хавфли вазиятни Ойбек Қиличев самарали яқунлади. Ойбек томонидан дарвозага берилган қучли зарбани гондураслик дарвозабон қайтаришга ожизлик қилди ва ҳамюртларимиз 1:0 ҳисобида ажойиб ғалабани қўлга киритишди.  
**(Ўз мухбиримиз)**



Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2810 нусхада босилади. Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилади ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 345